

Оптик диапазонда ионланмаган электромагнит нурланишлар таъсир қилганда зарарлилик ва хавфлилик синфи

№	Омиллар	Меҳнат шароитлари синфлари					
		Рухсат этилган — 2	Зарарли — 3 синф даражалари				Ўта хавфли, экстремал — 4
			3.1 — биринчи даражали зарарли, оғир	3.2 — иккинчи даражали зарарли, оғир	3.3 — учинчи даражали зарарли, оғир	3.4 — жуда зарарли, ўта оғир, хавфли	
1.	Лазер нурланиш*	≤РЕД1	<РЕД2	1.1-10 РЕД2	10.1-100 РЕД2	101-1000 РЕД2	>1000 РЕД2
2.	Ультрабинафша нурланиш: УБ-А, УБ-В, УБ-С нурланиш спектрлари доиралари учун, Вт/м2	≤РЕНЖ	≥РЕНЖ				

Изоҳ: РЕД 1 — мазкур физик омилнинг сурункали таъсир учун меҳнат шароитлари синфлари.

РЕД2 —мазкур физик омилнинг бир марталик таъсир учун меҳнат шароитлари синфлари.

РЕНЖ — рухсат этилган нурланиш жадаллиги. РЕНЖ меъёрий кўрсаткичлардан ошиб кетганда коллектив ҳимоя воситаларидан (тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник ва бошқа воситалар) ва (ёки) якка тартибдаги ҳимоя воситаларидан (зарарли ёки хавфли ишлаб чиқариш омилларининг ходимларга таъсирининг олдини олиш ёки камайтириш, шунингдек ифлосланишидан ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган техник воситалар) фойдаланган ҳолда ишлаш шарт.

* иш ўрнида лазер нурланишини назорат қилишини имкони бўлмаганда меҳнат шароити учинчи синфнинг биринчи даражасига киритилиши шарт.

